



MINISTRY OF HEALTH OF THE  
REPUBLIC OF UZBEKISTAN



MINISTRY OF HIGHER AND  
SECONDARY SPECIALIZED  
EDUCATION OF THE  
REPUBLIC OF UZBEKISTAN



ANDIJAN STATE  
MEDICAL INSTITUTE



UNIVERSITY ROSTOCK

[www.adti.uz](http://www.adti.uz)

March 24, 2023.

## **International scientific and practical conference on International scientific and practical conference in cooperation with University Rostock on**

### **"Innovative approach to the treatment of urological diseases"**

## **MATERIALS**



Andijan

# "INNOVATIVE APPROACH TO THE TREATMENT OF UROLOGICAL DISEASES"



SCIENTIFIC EDITOR

**M.M.MADAZIMOV**

RESPONSIBLE EDITORS

**K.Z.SALAKHIDDINOV**

**J.A.JOHONGIROV**

**G.N.MAMATKHUJAEVA**

MEMBERS OF THE  
EDITORIAL BOARD

**M.A.SHADMANOV**

**U.M.RUSTAMOV**

**D.I.SADIKOVA**

**SH.Y.BUSTANOV**

COMPUTER GRAPHICS  
EDITORS

**F.A.ABDULXODIMOV**

**Y.S.GROMOV**

# "INNOVATIVE APPROACH TO THE TREATMENT OF UROLOGICAL DISEASES"

СИЙДИК ТОШ КАСАЛЛИГИ ВА ИЧИМЛИК СУВНИНГ ҚАТТИҚЛИГИ

Шерқүзиева Г.Ф., Саломова Ф.И.

Тошкент тиббиёт академияси

**Мавзунинг долзарбилиги.** Табиатга антропоген омил кучайганлиги, яъни кўплаб саноат корхоналари, қишлоқ хўжалиги экинзорлари, коммунал хўжаликлари фаолияти натижасида ҳар хил чиқитлар билан атроф-муҳитлар булғанади, шу жумладан, ифлос оқавалар билан сув ҳавзаларининг ифлосланиши сабаб тоза сув муаммоси ҳозирга пайтда энг долзарб масала ҳисобланади. Сувнинг қаттиқлиги билан организмда тошлар пайдо киладиган касалликлар ўртасида боғланиш борлиги тўғрисидаги бир қанча фикрлар маълум. Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасида олинган далилларга қараганда одамларнинг ўт ва сийдик копида шунингдек буйрагида тошлар пайдо бўлишига асосан Амударё ҳавзасидаги сувлар қаттиқлигининг тобора ортиши сабаб бўлмоқда. Сувнинг қаттиқлиги – унинг сифатини белгилайдиган кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Табиий сувларнинг қаттиқлиги улардаги кальций ва магний тузларининг бўлиши билан боғлиқдир. Қаттиқлиги 4 мг.экв/л дан кам бўлган сув юмшок, 4—8 мг.экв/л бўлган сув ўртача қаттиқ, 12 мг.экв/л дан ортиқ бўлган сув эса жуда қаттиқ сув ҳисобланади. Табиий сувнинг қаттиқлиги турлича. Дарё ва кўл сувнинг қаттиқлиги 0,1—0,2 мг.экв/л (тайга ва тундра), ер ости суви, денгиз ва океан сувнинг қаттиқлиги 80 — 100 м.г.экв/л. Сувнинг қаттиқлиги туфайли буғ козонлари деворларига чўқмалар чўқади, кир ювганда совун кўп сарфланади. Қаттиқ сувда сабзавот, гўшт яхши пишмайди. Марказий сув таъминотида, асосан, истеъмол қилинадиган сувнинг қаттиқлиги 7 мг.экв/л гача бўлишига йўл кўйилади. ЖССТ берган маълумотларга кўра ер юзининг 3 млрд аҳолиси сифатсиз сувни истеъмол қилмоқда. Ер юзи аҳолисида учраган касалликларининг 2 минг дан ортиқ тури айнан сифатсиз сув истеъмоли билан боғлиқдир. Худди шу сабаб билан дунёнинг 25% аҳолиси сифатсиз сув истеъмоли сабабли турли касалликларга учрайди, ер юзи аҳолисининг ҳар ўнинчиси касалланади, ҳар йили деярли 4 миллион болалар ва 18 миллион катталар айнан сифатсиз сув истеъмоли турли касалликлардан вафот этадилар. Шу нарса аниқландики, 100 нафар онкологик касалликларнинг 20 дан 35 нафари айнан хлорланган ичимлик сувини истеъмол қилиш оқибатида келиб чиқади. Аҳоли ўртасида сийдик тош касаллигининг ривожланишида ичимлик сувнинг қаттиқлиги ҳам муҳим аҳамиятга эга.

**Тадқиқот мақсади.** Юқоридагилардан келиб чиқиб биз йиллар динамикасида аҳолига берилаётган ичимлик сувнинг қаттиқлигини ретроспектив тахлил килдик.

**Тадқиқот материаллари ва усуллари.** 2017-2018 ва 2019 йиллар давомида аҳолига берилаётган ичимлик суви намуналари ва уларнинг лаборатория текшириш натижалари.

**Тадқиқот натижалари.** Аҳоли истеъмол қилаётган водопровод ва қудук сувларининг умумий қаттиқлик кўрсаткичларини ретроспектив тахлил қилинганда қўйидаги натижаларни олдик: 2017 йил водопровод сувдан олинган умумий намуналар сони 640 та бўлиб, улардан 48 (7,5%) ида, қудук сувида эса барча олинган намуналарда умумий қаттиқлик мөъёрдан юқори эканлиги аниқланди. 2018 йилда водопровод сувдан олинган умумий намуналар сони 709 та, улардан 75 (10,5%) ида, қудук сувида эса барча олинган намуналарда умумий қаттиқлик мөъёрдан юқори эканлиги қайд этилди. 2019 йил водопровод сувдан олинган умумий намуналар сони 983 та бўлиб, улардан 68 (6,9%) ида, қудук сувида эса барча олинган намуналарда умумий қаттиқлик бўйича гигиеник талабларга жавоб бермаган.

**Хулоса.** Кузатув йилларининг барчасида қудук сувнинг қаттиқлик даражаси гигиеник талабларга мос келмади. Аҳоли ўртасида сувнинг умумий қаттиқлигига боғлиқ

# "INNOVATIVE APPROACH TO THE TREATMENT OF UROLOGICAL DISEASES"

касалликлар профилактикасида ичимлик сувининг умумий қаттиқлигини доимий назорат қилиб тuriш мақсадга мувофик ҳисобланади.

## ПРОСТАТА БЕЗИ САРАТОНИНИ ЭРТА АНИҚЛАШ УСУЛЛАРИ АҲАМИЯТИ

Хасанов Д.Ш., Мамадалиев М.М., Ибрагимов О.С.

Андижон давлат тиббиёт институти. РИОРИАТМ Андижон филиали

**Кириш.** Простата бези саратони ўсма кичик ҳажмларида белгиларсиз кечади. Касаллик кечиши ўсма фенотипи ва унинг ҳужайра таркиби биологик хусусиятларига боғлиқ. Асосий беморларда, касаллик эрта аломатлар йўқлиги сабабли, без саратони кечки босқичларда аниқланади. Шу муносабат билан, касаллик эрта аниқлаш учун ўтказиладиган текширув усулларининг аҳамияти ҳозирги кунда долзарбдир.

**Тадқиқотнинг мақсади.** Простата бези саратони эрта аниқлаш учун текширув усуллари аҳамиятини баҳолаш.

**Материаллар ва усуллар.** Тадқиқот простата бези саратони га шубха қилиниб РИОРИАТМ Андижон филиали мурожат қилган 40 ёшдан 78 ёшгача бўлган 35 нафар эркакни кузатувигв асосланган. Беморлар комплекс текширилди. ПСА стандарт усул бўйича простата бези секретсиясини клиник ва бактериологик текширувдан сўнг ва агар керак бўлса, сурункали простатитни комплекс даволаш курсини ўтказгандан сўнг амалга оширилди. Ултратовуш текширув, трансректал ултратовуш текширув билан амалга оширилди. Ташхисни морфологик верификацияси учун простата пункцион биопсияси ўтказилди.

**Натижалар.** Кон плазмасининг умумий ПСА даражаси 7 дан 58,6 нг/мл гача бўлган. Барча bemорларда простата бези ректал текширишда ПБСга хос бўлган ўзгаришларни аниқлади. Простата бези трансректал УТТда, простата безининг периферик зонасида унинг капсуласининг яхлитлигини бузилмаган холда гипо - ва гиперэхоген фокуслар аниқланди. Допплер текширувда простата безининг заарланган соҳасида диффуз гиперваскуляризацияси қайд этилди. Бирламчи простата биопсияси учун кўрсатма мезонлари куйидагилар бўлди: безда инфильтрат ёки тугун, ректал текширувда простата консистенциясининг нотекислиги, УТТда гипо-ёки гиперэхоген фокус, умумий ПСА даражасининг 4 нг/мл дан ошиши. Беморлар 24 нафарида (68,6%) простата бези саратони тасдиқланди. Простата бези қайта биопсияси учун кўрсатмалар: простата ҳажми 65 мл гача бўлган холда бирламчи биопсиянинг манфий натижаси, умумий ПСА даражасининг 4нг/мл дан юкорилиги, трансректал УТТда малигнизация белгиларини аниқлаши. 11 (31,4%) нафар bemорда натижалар простата бези саратони га мос келди.

**Хулоса.** Простата бези саратони ни даволашнинг муваффакияти ректал текширув, ПСА, трансректал УТТ ва простата бези биопсияси усуллари ёрдамида ўсма жараёнини эрта аниқлаш ҳисобланади. ПСА даражасининг ошиши билан трансректал УТТда бездаги ўзгариш, ректал текширувда простата безида ўзгариши бўлмаса ҳам, простата бези биопсиясини ўтказиш учун кўрсатма ҳисобланади.

# "INNOVATIVE APPROACH TO THE TREATMENT OF UROLOGICAL DISEASES"

СИЙДИК ПУФАГИ ЛЕЙКОПЛАКИЯСИДА ЦИТОКЕРАТИННИ ИММУНОГИСТОКИМЁВИЙ АНИҚЛАШ	128
Мамаризаев А.А., Солиев М.Б., Ортикматов Э.А., <b>ХОМИЛАДОРЛАРДА СИЙДИК ТОШ КАСАЛЛИГИНИ ДАВОЛАШ ТАКТИКАСИ</b>	129
Садикова Д.И., Абдулазизов С.А. <b>СУРУНКАЛИ ПИЕЛОНЕФРИТНИ КЕКСА ЁШДАГИ БЕМОРЛАРДА КЕЧИШИНИ ТАХЛИЛ ҚИЛИШ</b>	130
Садикова Д.И., Курбанова Д.И., Усманова Ф.Т. <b>ХОМИЛАДОРЛИКДАГИ МУАММО</b>	131
Садикова Д.И., Юсуфалиева Г.М., Усмонова Ф.Т. <b>СИЙДИК ТОШ КАСАЛЛИГИ ВА ИЧИМЛИК СУВИНИНГ ҚАТТИҚЛИГИ</b>	132
Шерқүзиева Г.Ф., Саломова Ф.И. <b>ПРОСТАТА БЕЗИ САРАТОНИНИ ЭРТА АНИҚЛАШ УСУЛЛАРИ АҲАМИЯТИ</b>	133
Хасанов Д.Ш., Мамадалиев М.М., Ибрагимов О.С. <b>ПРОСТАТА ХАВФСИЗ ГИПЕРПЛАЗИЯСИ ТРАНСУРЕТРАЛ РЕЗЕКЦИЯСИДАН КЕЙИН ҲАМ САҚЛАНИБ ҚОЛАДИГАН ИРРИТАТИВ СИМПТОМЛАР ПРЕДИКТОРЛАРИ</b>	134
Худайбердиев Х.Б., Акилов Ф.А. <b>СИЙДИК НАЙИ ТОШЛАРИ ЭКСТРАКОРПОРАЛ ЛИТОТРИПСИЯСИ САМАРАДОРЛИГИ ПРЕДИКТОРЛАРИ</b>	135
Худайбердиев Х.Б., Акилов Ф.А. <b>ПРОСТАТА ХАВФСИЗ ГИПЕРПЛАЗИЯСИ ОПЕРАТИВ ДАВОСИДАН КЕЙИН БЕМОР МУСТАҚИЛ ПЕШОБ ҚИЛА ОЛИШИ ПРОГНОЗИ</b>	136
Худайбердиев Х.Б., Акилов Ф.А. <b>УРОЛОГИК КАСАЛЛИКЛАР БИЛАН КАСАЛЛАНГАН БЕМОРЛАРДА ХАВФ ОМИЛЛАРИНИ ОЛДИНИ ОЛИШДА ПРОГНОСТИК ХАРИТАСИНИ КУЛЛАШ</b>	137
Шадманов М.А. <b>УРОЛОГИК КАСАЛЛИКЛАР БИЛАН БЕМОРЛАРНИ ОЛИБ БОРИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ОИЛАВИЙ ШИФОКОРДА КОМПЕТЕНТЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ</b>	138
Шадманов М.А.	